

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.YU.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМАНОВ ХАСАН АДИЛОВИЧ

**МАМЛАКАТДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА САЙЛОВ
ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; ҳуқуқий таълимотлар тарихи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК 342.34 (575.1)
342.8 (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Абдурахманов Хасан Адилевич

Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш
шароитида сайлов қонунчилигини такомиллаштириш 3

Абдурахманов Хасан Адилевич

Совершенствование избирательного законодательства
в условиях углубления демократических реформ в стране 27

Abdurakhmanov Khasan Adilovich

Improvement of the electoral legislation in the context
of deepening democratic reforms in the country 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.YU.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМАНОВ ХАСАН АДИЛОВИЧ

**МАМЛАКАТДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА САЙЛОВ
ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; ҳуқуқий таълимотлар тарихи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Үу30 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/tad-i-otchilarga/ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Маликова Гулчехра Рихсиджаевна
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Мухамедов Ўткирбек Хазраткулович
юридик фанлар доктори, профессор

Отахонов Фозилжон Ҳайдарович
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үу.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги «_____» рақамли реестр баённомаси).

Ф.Х. Раҳимов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари, ю.ф.д.

Г.С. Исмоилова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, ю.ф.д., доцент

И.А. Хамедов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ю.ф.д., профессор

КИРИШ (Диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Дунёда сайловга оид халқаро стандартларнинг умумэтироф этилган норма ва тамойилларини миллий сайлов қонунчилигига имплементация қилиш тенденцияси тобора кенгайиб бораётган шароитда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш муаммоси глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг сайловга оид 30 дан ортиқ универсал ва минтақавий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларида ушбу масала миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда демократик-ҳуқуқий тараққиётнинг энг долзарб, бирламчи шартларидан бири эканлиги алоҳида қайд этилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, Эркин ва адолатли сайлов принциплари тўғрисидаги декларация, Венеция комиссиясининг Сайловларга оид асосий принциплари, МДҲ иштирокчи давлатларида демократик сайлов стандартлари, сайлов ҳуқуқи ва эркинликлари тўғрисидаги Конвенциянинг сайловга оид умумэтироф этилган қоидалари мамлакатимизда сайлов тизими ва қонунчилигини такомиллаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу муносабат билан халқаро ҳамжамият томонидан сайлов тизими ва қонунчилигини сайловга оид замонавий норма ва принципларни инобатга олиб ислоҳ қилиш зарурати мавжудлиги таъкидланмоқда.

Жаҳонда фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид конституциявий ҳуқуқини таъминлаш кафолатларини янада ривожлантириш, сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқларини кенгайтириш, сайловга оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш, сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, сайлов комиссияларининг мустақиллиги кафолатларини мустаҳкамлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сайловолди ташвиқоти учун кенг шарт-шароит яратиш орқали сайлов тизими самарадорлигини ошириш масалалари долзарб аҳамият касб этаётганлиги боис бу борада чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан қараганда, сайловга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, уни кодификациялаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада ривожлантириш, шунингдек ҳуқуқий тартибга солиш йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда сайлов тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштириш борасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий қоидалар миллий сайлов қонунчилигида ўз аксини топди. Мазкур вазифалар ва бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, сайловолди ташвиқотини олиб боришда партиялар фаолиятини молиялаштириш тартиби белгиланди, номзод сифатида рўйхатга олиниши мумкин бўлмаган шахслар доирасини босқичма-босқич либераллаштирилди, номзодлар ва сиёсий партиялар фаолияти кафолатлари кучайтирилди, сиёсий партияларга сайлов

участкасида овозларни санашда иштирок этиш ҳуқуқи берилди, сиёсий партиянинг ваколатли вакили институти жорий этилди, сайлов комиссиялари фаолиятининг ошкоралиги янада кучайтирилди, сайловолди ташвиқоти ва муддатидан олдин овоз бериш институтлари янада такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992), «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги (1991), «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (1994), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (1994), «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (1997), «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги (1998), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (2003), «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги (2004), «Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги (2005), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2007), «Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (2017) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) ва «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги (2018) фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сайлов ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этишни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Аввало, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи конституциявий эркинлигини таъминлаш; сайлов тизими, сайлов жараёни ва унинг иштирокчилари, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, сайловларга оид халқаро-ҳуқуқий мезонларни сайлов амалиётимизга жорий этиш ва ҳоқозо. Мустақилликка эришган дастлабки кунларданок республикамизнинг ҳуқуқшунос олимлари сайлов тизими, сайлов жараёни, сайлов қонунчилигининг шаклланиши ва ривожланишига жиддий эътибор

қаратиб, тадқиқотлар ўтказиб келмоқдалар. Жумладан, академик Ш.Ўразаев, академик А.Саидов, М.Абдусаломов, Х.Одилқориев, С.Адилходжаева, А.Азизходжаев, Н.Азизов, И.Беков, Ш.Зулфиқоров, Б.Исмоилов, З.Исломов, Е.Каньязов, Г.Каюмов, Г.Маликова, М.Миракулов, Ў.Мухамедов, Ш.Рахмонов, Ш.Рўзиназаров, С.Султонов, И.Тультеев, А.Турсунов, О.Турғунов, Э.Халилов, А.Ҳошимхонов, О.Ҳусанов, М.Хусанова, Ш.Якубов ва бошқаларнинг илмий ишларида¹ муайян даражада кўриб чиқилган.

Ушбу муаммо бўйича хорижий давлатларда ҳам фаол тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, сайлов ҳуқуқи, уни таъминлаш кафолатлари, сайлов тизими ва қонунчилигини такомиллаштириш, сайлов жараёни босқичлари, иштирокчиларнинг ҳуқуқлари, функционал механизми ва бошқа жиҳатлари хорижлик олимлар Д.Шульц, Д.Ловенштайн, Р.Хасен, Д.Токажи, Дж.Йонг, Дж.Повелл, Д.Фидлер, Д.Донхо, Г.С.Гудвин-гилл, Ж.Ричман (Америка Қўшма Штатлари), М.Галагхер, П.Митчел, Р.Катз, Д.Дханоа, В.Седгли, Р.Прайс, Р.Алонсо (Буюк Британия), Винрих Кухне (Германия), А.Гаужа (Австралия), Д.Фарел (Ирландия), Ю.Йин (Хитой), Б.Ан (Сингапур), Б.Месфин (Дания), В.Вожтасик (Польша), Н.Хазон (Исроил), С.Шапиев, Е.Слобода, Б.Страшун, Л.Аглеева, Ф.Алескерров, Н.Артамонова, С.Белов, М.Баглай, Т.Герасименко, Р.Биктагиров, Б.Давыдов, Ю.Дмитриев, В.Елистратова, А.Иванченко, М.Кошелюк, К.Краснов, Т.Кузнецова, А.Любаров, Р.Мазитов, Д.Орлов, Р.Рябчиков, А.Шемелин (Россия Федерацияси) ва бошқаларнинг илмий ишларида таҳлил этилган².

Сайлов қонунчилигининг турли жиҳатлари тадқиқот марказлари ва бошқа илмий муассасалари томонидан тадқиқот предмети бўлган. Масалан, Жон Хопкинс Университети Бологна Маркази Илғор Халқаро Тадқиқотлар Мактаби (SAIS) томонидан 2010 йилда сайловларнинг ўрни, эркин сайловларни таъминлаш учун масъул бўлган тузилмаларнинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек сайлов тизимининг бошқа жиҳатларига бағишланган «The Role of Elections in Emerging Democracies and Post-Conflict Countries» номли монография чоп этган³.

АҚШнинг Индиана университети Маурер ҳуқуқ мактабида 2017 йилда «Transforming Election Cybersecurity» мавзусидаги монография чоп этилган бўлиб, унда ахборот-технологияларини сайлов тизимига жорий этиш билан боғлиқ таҳдидлар, ушбу жараёнда хавфсизликни таъминлаш масалалари тадқиқ этилган⁴.

АҚШлик Питсбург Университети профессори Донно Даниэлла ўзининг «Elections and Democratization in Authoritarian Regimes» номли мақоласида сайлов тизимини либераллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва

¹Мазкур олимларнинг ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

²Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

³ Winrich Kühne. The Role of Elections in Emerging Democracies and Post-Conflict Countries (<http://www.fes.de/GPol/>)

⁴ David P. Fidler. Transforming Election Cybersecurity. Council on Foreign Relations. May, 2017.

хусусиятлари, сайлов демократияси, унинг асосий шартлари, сайлов жараёнида муҳолифат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари ўрганган⁵.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва «Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида сайлов тизими ва қонунчилигининг шаклланиши ва такомиллашуви динамикасини таҳлил этиш», «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш механизмларини янада кучайтириш муаммолари» илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади сайлов қонунчилиги ва тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

демократик жамият учун сайловларнинг аҳамиятини кўрсатиш, «сайлов тизими» тушунчаси, моҳияти, хусусиятлари ҳамда сайлов жараёнидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини илмий таҳлил қилиш;

фуқароларнинг сайлов эркинлиги ифодасидаги конституциявий ҳуқуқи, уни кафолатли таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

сайлов тизими билан боғлиқ халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликда имплементацияси бўйича таклифлар тайёрлаш;

республика сайлов қонунчилигининг ривожланиш динамикаси, босқичлари ва тенденцияларига тавсиф бериш;

сиёсий партиялар ва сайлов жараёнининг бошқа субъектлари, институционал иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини таҳлил этиш асосида уни такомиллаштириш бўйича таклифларни шакллантириш;

сайловчиларнинг электорал ҳуқуқий маданиятини юксалтириш истиқболларини аниқлаш;

сайлов тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

сайловчиларнинг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш орқали сайлов жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизимини ҳаётга жорий этишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш ҳамда демократлаштиришга оид илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини сайлов қонунчилиги ва тизимини такомиллаштириш, сайлов жараёни субъектлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил қилади.

⁵ Daniela Donno. Elections and Democratization in Authoritarian Regimes // American Journal of Political Science, Vol. 57, No. 3, July 2013, Pp. 703–716.

Тадқиқотнинг предметини амалдаги сайлов қонунчилиги билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этишга, унинг ривожланиш тенденция ва истикболларини белгилашга доир назария, доктрина, концепция, илмий қараш, ғоя ва ёндашувлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда мантикий, тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий ҳуқуқий, социологик, индукция ва дедукция, шунингдек илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокими туман ҳокими томонидан тайинланиши ва лавозимидан озод этилиши ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланишини белгилаш таклиф этилган;

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун туман сайлов комиссиялари тузиш, сайлов округларининг сонини Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгилаш таклиф этилган;

халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар ҳамда бошқа давлатлардан кузатувчиларга мандатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан берилиши тўғрисидаги қонун даражасида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлиги исботлаб берилган;

қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини тузиш ҳамда ушбу муассасаларда сақланаётган шахслар учун сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга ошириш таклифи ишлаб чиқилган;

Марказий сайлов комиссияси қарорларининг ҳуқуқий табиати, уларни қабул қилиш, эълон қилиш ва кучга кириши тартибини қонун даражасида белгилаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

кўп партияли тизимнинг ривожланишини ва сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришни ҳисобга олган ҳолда, депутатликка номзодларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишга оид қоидаларни чиқариб ташлаш зарурияти асослантирилган;

сайловга оид халқаро стандартларни кенг жорий этиш, сиёсий рақобатни янада кучайтириш, «бир сайловчи – бир овоз» принципини таъминлаш мақсадида Экологик ҳаракат вакиллари учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги квоталарни бекор қилиб, Олий Мажлис Сенати таркибида квоталанган ўринларни ажратиш тартибини жорий этиш ёки мазкур ҳаракатга сиёсий партия мақомини бериш бўйича таклифлар асослантирилди;

сайловларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, фуқаролар сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш учун қулайлик яратиш, шунингдек «оилавий» овоз беришни бартараф этиш мақсадида сайловчиларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида идентификация қилиш тартибини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида иштирок этишга оид ҳуқуқларини янада кенгайтириш мақсадида овозларни санаб чиқиш натижалари баённомасига сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо чекиш тартибини жорий этиш зарурияти асослантирилди;

сайлов комиссияларининг бир-бирини такрорловчи вазифа ва функцияларини бекор қилиш, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар даражасидаги сайлов комиссияларини ягона вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссияларига бирлаштириш юзасидан қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар шакллантирилди;

мамлакатда ўтказиб келинаётган сайлов тажрибасини умумлаштириш ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида «сайлов варақаси» ва «сайлов бюллетени»ни бирлаштириш таклиф этилган;

сайлов комиссиялари аъзоларининг малакавий даражаси юқори бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссияларининг раислари этиб, олий маълумотга эга бўлган шахслар тайинланиши ҳақидаги қонунга киритиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан тавсия ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг концепцияси ва тузилиши бўйича муаллифлик лойиҳаси тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, ижтимоий сўров (сайловчилар фикрини ўрганиш учун 490 дан ортиқ сўровнома-анкета тарқатилди) ўтказилди, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Диссертация натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Муаллиф томонидан амалга оширилган таҳлиллар, назарий мунозаралар, билдирилган таклиф ва тавсиялар сайлов тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини, сайлов қонунчилигини такомиллаштиришда, сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Тадқиқот жараёнида билдирилган фикр, бажарилган илмий таҳлиллар мавзуга оид янги тадқиқотлар олиб борилишида муайян замин бўлиб хизмат қилиши, фуқароларнинг сайлов қонунчилиги соҳасидаги ҳуқуқий билимлари ва маданиятини оширишга кўмаклашиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Конституциявий ҳуқуқ»,

«Парламент ҳуқуқи» фанлари, «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими ва қонунчилиги» махсус курслари бўйича ўқув қўлланмалар ва маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокими туман ҳокими томонидан тайинланиши ва лавозимидан озод этилиши ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланишини белгилаш тўғрисидаги таклиф «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси тўққизинчи қисмида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 23 мартдаги 03-08/300-сон далолатномаси). Ушбу таклиф вакиллик ҳокимиятининг ҳуқуқий ҳолатини янада мустаҳкамлашга, маҳаллий давлат ҳокимиятини демократик тарзда ташкил этишга хизмат қилади;

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун туман сайлов комиссиялари тузиш, сайлов округларининг сонини Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгилаш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августдаги ЎРҚ-439-сон «Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 7-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 23 мартдаги 03-08/300-сон далолатномаси). Ушбу таклиф Тошкент шаҳар халқ депутатлари сайловларини демократик тарзда, халқаро стандарт ва илғор хорижи тажрибага мос ҳолда ташкил этиш ва ўтказишга хизмат қилади;

халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар ҳамда бошқа давлатлардан кузатувчиларга мандатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан берилиши тўғрисидаги қонун даражасида мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сон Қонуни асосида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 14 февралдаги 06-018/150-сон далолатномаси). Ушбу таклиф сайловларда халқаро кузатувчилар иштирокини таъминлашнинг аниқ механизм ва тартиб-таомилларини белгилашга хизмат қилади;

қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сон Қонуни асосида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 10 ва 11-моддаларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 17 февралдаги 05/01-02/211-сон далолатномаси). Ушбу таклиф қамоқда сақлаш жойларида сақланаётган шахслар учун сайлов ҳуқуқини қафолатлаш механизмларини ишлаб чиқишга ҳисса қўшади;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов

ўтказувчи сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилишини мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сон Қонуни билан «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонун 9-моддасини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 23 мартдаги 03-08/300-сон далолатномаси). Ушбу таклиф ҳудудий сайлов комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мамлакатда ягона сайлов амалиётини шакллантиришга ҳисса қўшади;

Марказий сайлов комиссияси қарорларининг ҳуқуқий табиати, уларни қабул қилиш, эълон қилиш ва кучга кириши тартибини қонун даражасида белгилаш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 23 мартдаги 03-08/300-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши сайлов жараёнида қабул қилинаётган қарорларнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади;

участка сайлов комиссияси аъзоларининг сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича фаолиятини ташкил этиш, шунингдек сайловчиларнинг рўйхатини юритиш тартибини такомиллаштириш юзасидан таклифлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 15, 31 ва 32-бандларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 13 мартдаги 77/3-сон далолатномаси ва 2018 йил 17 апрелдаги 184/3-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча амалий механизмларини такомиллаштиришда, сайловчилар рўйхатининг холислиги ва изчил янгиланиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шу жумладан, 2 та рисола ва ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 20 та илмий мақола (16 та республика ва 4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида (диссертация аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқот мавзусига оид хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Миллий сайлов тизими ва қонунчилигининг умумий тавсифи ва назарий-ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, унда мавзунинг илмий-назарий жиҳатлари таҳлил қилинди. Сайлов демократик институт сифатида ҳозирги замон аксарият мамлакатларида халқ ҳокимиятчилигини жорий этиш, давлат ҳокимияти вакиллик ва персонал органларини шакллантириш, бунда халқнинг хоҳиш-истагини ифодалашнинг муҳим воситасига айланганлиги қайд этилган.

Сайлов, бир томондан, жамият ва давлатнинг тараққиётига демократик тарзда эришишнинг ҳуқуқий воситаси, иккинчи томондан, фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш механизми ва кафолатларини қамраб олувчи тизим эканлиги очиб берилди. Ишда сайлов муҳим сиёсий-ҳуқуқий ва демократик кадрият сифатида тавсиф этилди. «Демократия» ва «сайлов» тушунчалари узвий боғлиқ сиёсий, ҳуқуқий ҳамда илмий категориялардир. Бу тушунчалар бир-бирини тақозо этиши ва тўлдириши баробарида умуминсоний кадрият ҳамдир. Сайловларсиз демократик жараёнларни тасаввур қилиб бўлмайди. Том маънода сайловлар демократия кўзгуси саналади.

Сайловлар – амалдаги сайлов ҳуқуқий нормаларининг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим аҳамиятга эга масаладир⁶. Унинг воситасида оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг бир қатор субъектлари – парламент аъзолари, давлат бошлиғи, маҳаллий давлат вакиллик органи аъзолари қонунда белгиланган давлат ваколатларига эга бўладилар.

Диссертантнинг эътироф этишича, эркин ва адолатли сайловлар замонавий давлатнинг зарурий белгиси бўлиб бормоқда, сайлов ҳуқуқи эса вакиллик демократияси тизими барча институтлари шакллантирилиши ва амал қилишининг юридик пойдевори бўлмоқда. Зеро, сайловлар жараёнида

⁶ Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2010. –Б. 35.

турли сиёсий кучлар ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаати, ёндашуви, сиёсий ғояси тўқнашади. Сайлов натижалари эса сиёсий кучларнинг мақомини, обрў-эътиборини ва сайловчиларнинг кайфиятини кўрсатади.

Дунё мамлакатлари тажрибасида сайловларнинг ҳар хил турлари ва шакллари ҳамда бир неча йўналишдаги (моделдаги) сайлов тизимлари қарор топган. «Сайлов тизими» тушунчасининг мазмун ва моҳиятини очиш учун муаллиф «сайлов» ва «tizim» ибораларининг тушунчаларини алоҳида таҳлил этди.

Сиёсий-ҳуқуқий ҳодисаларга тизимли ёндашув уларни тўла-тўқис, яъни, комплекс тадқиқ этишни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, мазкур ҳодисаларнинг тизимлилик сифатлари ва таркибий-функционал жиҳатдан ўзаро алоқадорлигини аниқлаб олишни тақозо этади. Ҳар қандай сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса, шу жумладан сайлов муносабатлари ва сайлов жараёнлари ҳам, муайян қонуният асосида вужудга келади ва тараққий этади.

Сайлов тизими тавсифи борасида илмий адабиётларда мавжуд турли ёндашувларни таҳлил қилиб, диссертант ушбу институт икки маънода – кенг ва тор маъноларда қўлланилишини таъкидлайди. Кенг маънода сайлов тизими – бу оммавий ҳокимият органларини сайлаш билан боғлиқ ва сайлов тартиботларини акс эттирувчи ижтимоий муносабатларнинг йиғиндиси, батартиблашган ҳолатидир. Сайловга оид муносабатлар, бир томондан, конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинса, иккинчи томондан, ноҳуқуқий, яъни корпоратив нормалар, масалан, сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг (низом, қарорларидаги) нормалари, сиёсий анъана, ахлоқ ва этикет нормалари билан тартибга солинади.

«Сайлов тизими» категориясининг тор маънодаги талқини қуйидагича: сайловчиларнинг ёки сайлашга ваколатли шахсларнинг овоз бериши натижалари асосида депутатлик мандатларини тақсимлаш, давлат лавозимига эга бўлиш усули. Муаллифнинг фикрича, «сайлов тизими» тушунчаси доирасига мамлакатда амалда бўлган сайлов қонунчилигини (сайлов тизимининг норматив асоси), сайлов ўтказиш тартиби, таомил ва анъаналарини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ёндашув, сайлов тизими моҳиятан сайлов қонунчилигини ва сайловга оид барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисини ўз қамровига олади.

Амалга оширилган таҳлиллар асосида тадқиқотчи сайлов тизими давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш, уларга депутатлар ва мансабдор шахсларни сайлашнинг мамлакатда шаклланган тартибини, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиб-таомилларини, сайлов жараёнидаги ижтимоий муносабатлар ва уларни тартибга солиш принципларини, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишнинг қонунчилик (ҳуқуқий) асосларини қамраб олади, деган хулосага келади. Шунингдек, сайлов тизими у ёки бу мамлакатдаги сайловларни амалга ошириш моделини ҳам англатади.

Шундай қилиб, сайлов тизими қуйидаги элементларни: 1) сайлов ҳуқуқи ва сайлов қонунчилигини; 2) давлат ҳокимияти органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш тартибини; 3) сайловларда қатнашиш шартлари ва принципларини; 4) сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини; 5) сайлов жараёнидаги ижтимоий муносабатларни; 6) сайлов ва уни ўтказиш таомил ва принципларини; 7) овоз бериш тартиби ва натижаларини аниқлаш усулларини ўз ичига олади.

Ишда ушбу элементларнинг ҳар бири тавсифланган ва илмий асослантирилган.

Диссертантнинг фикрича, сайлов тизими – бу сайловларни тайёрлаш ва ўтказиш, овоз бериш натижаларини аниқлаш ва сайлов жараёнидаги тартиб-таомилларни, шунингдек сайлов ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва бошқа кафолатларини намоён этувчи таомил-тартиблар, принциплар, муносабатлар ва ҳуқуқий механизм ҳамда нормаларнинг йиғиндиси.

Диссертацияда дунё мамлакатлари тажрибасида шаклланган мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимлари ва сайлов ўтказиш моделлари мазмуни очилди, уларнинг табиати, хусусиятлари ва бир-биридан фарқлари, афзал томонлари ҳамда камчиликлари кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг узвий қисми бўлганлиги боис унинг сайлов тизими ва сайлов қонунчилигида жаҳонда умум эътироф этилган демократик талаб ва қоидалар ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, мамлакатимиз сайлов тизими ўзига хос хусусиятлар, халқимиз тарихи билан боғлиқ шаклланган жиҳатларга, ўз ҳуқуқий асосларига эга. Аввало, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган принцип ва нормалар асосида қарор топади ва амал қилади. Диссертацияда Ўзбекистон сайлов тизимининг ҳар бир таркибий қисмининг мазмуни, табиати ва хусусиятларига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтилди.

Диссертациянинг **«Сайлов тизимининг субъектлари ва сайлов қонунчилигининг ривожланиш муаммолари»** деб номланган иккинчи бобида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда халқимиз анъаналари ва табиатига мос янги сайлов қонунчилиги тизими яратилди. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ демократия принципларига асосланган сайлов тизими ва унинг норматив негизи бўлган сайлов қонунчилигини шакллантиришга устувор эътибор қаратилди. Мазкур бобда сайлов жараёнининг субъектлари сифатида сайлов жараёнининг ташкилотчилари – барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолиятига эътибор қаратилди. Булардан ташқари, ушбу жараён иштирокчилари тоифасига сайловчилар, сиёсий партиялар, депутатликка ва президентликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, кузатувчилар киради.

Ишнинг **«Сайлов тизимида сиёсий партияларнинг ўрни ва улар фаоллигини янада оширишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари»** номли параграфида мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг сайлов тизимининг

асосий субъекти сифатидаги ҳуқуқий мақоми ва сайлов жараёнларидаги роли очиб берилди. Сиёсий партияларнинг сайловлардаги фаоллигини ошириш, Ўзбекистон Президентининг парламент палаталарининг қўшма мажлисида (2017 йил 12 июль) сиёсий партиялар фаолиятига нисбатан билдирган танқидий мулоҳазалари таҳлили асосида қатор илмий хулосалар шакллантирилди.

Сайловчиларнинг электорал маданиятни юксалтиришда сиёсий партияларнинг тарғибот-ташвиқот фаолиятини, фуқаролик жамияти институтларининг ва оммавий ахборот воситаларининг ахборот, тарғибот-ташвиқот ишларини, вазирликлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий тарғиботга йўналтирилган фаолиятини, Марказий сайлов комиссияси ва округ, участка сайлов комиссияларининг сайлов қонунчилиги тарғиботига оид фаолиятини изчил фаоллаштириш ва ривожлантириш лозимлиги асосланган.

Диссертантнинг фикрича, сиёсий партиялар ўз электоратининг ишончини қозониш, электорал ислохотларни истиқболли самарасига эришиш учун сиёсий партиялар сайловолди дастурларида илгари сурилган ғояларнинг амалга ошиши учун барча имкониятларини сафарбар этиши, бунга ўз электоратини кенг жалб этиши ва улар амалга ошганда, бу ҳақда сайловчиларни оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам хабардор этиб бориши лозим.

Сиёсий партиялар ўз фаолликларини нафақат сайловолди жараёнларида, балки бутун фаолияти давомида, айниқса, сайловдан сайловгача бўлган даврда мунтазам олиб бормоғи лозим. Сиёсий партиялар ўз фаолликларини изчил ошириш йўллари излаши лозим. Бу борада илғор хориж тажрибаларидан миллий хусусиятларимизни инобатга олганда ҳолда фойдаланиш масалаларига эътибор қаратиб, жамият ва давлат таррақиёти билан ҳамоҳанг тарзда модернизациялашни устувор вазифа сифатида белгилаши зарур, деган хулосага келинган.

Диссертант мамлакат сайлов қонунчилиги таркиб топиши ва эволюциясини жонли ифодалаш учун унинг шаклланиши ва ривожланишини босқичларга бўлиб изоҳлайди. Унда бир қатор олимларнинг сайлов қонунчилиги таррақиётини тўрт босқичга (А.Х.Саидов), уч босқичга (О.К.Турғунов, Ш.У.Якубов) бўлиш мезонлари таҳлил этилган.

Айни вақтда, мазкур қонунчиликни босқичларга ажратишнинг муаллифлик ёндашуви таклиф этилди. Диссертантнинг фикрича, сайлов тизими ҳуқуқий асосларининг яратилиши, ривожланиши ва сайлов амалиётини қўйидаги асосий босқичларга ажратишимиз мумкин:

Биринчи босқич – сайлов тизими конституциявий-ҳуқуқий асосларининг яратилиши даври (1991-2000 йй.) – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда бир палатали Олий Мажлисни кўппартиявийлик асосида шакллантириш билан боғлиқ даврни ўз ичига олади.

Ўзбекистон давлат бошлиғи сайлови, парламент ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлари сайлови, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши билан умумэтироф этилган принциплар орқали кўппартиявийликка асосланган, муқобил сайловларни ташкил этишнинг ҳуқуқий базаси яратилди.

Сайлов жараёнининг муҳим субъектлари саналган сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчилик, шунингдек уларнинг Олий Мажлисида ўз сиёсатини уюшган ҳолда ўтказиш учун парламент фракцияларини ташкил этишнинг қонуний кафолатлари вужудга келтирилди. Энг муҳими, сиёсий партияларнинг сайлов тартиб-қоидаларига риоя қилинишини назорат этиш бўйича ваколатлари кенгайди.

Сайлов тизими ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш, либераллаштириш ва сайлов амалиётини такомиллаштириш (2001-2010 йй.) иккинчи босқич – бу муддат мамлакатимизда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, иқтисодий тартиб-қоидаларни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнаган жараёнларга бой бўлди. Бу давр бевосита икки палатали парламаент тизимига ўтиш билан боғлиқ сайлов қонунчилигининг тадрижий тараққиётига асосланган босқичнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этди.

Миллий сайлов қонунчилигини янада модернизациялаш босқичи – 2011 йилдан то Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилингунга қадар бўлган даврни қамраб олади. Диссертантнинг фикрича, Сайлов кодекси қабул қилинган, миллий сайлов қонунчилигини истиқболли такомиллаштиришнинг энг янги даври бошланади.

Тадқиқот ишида муаллиф 1997-2015 йилларда амалдаги сайлов қонунларига киритилган жиддий кўшимча ва ўзгартиришларнинг зарурати, аҳамияти ва мазмун-моҳиятини илмий таҳлил асосида баён этди. Масалан, 1997 йилдаги ўзгартишларда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш тартиби, номзод кўрсатиш нормалари, имзо варақаларини тақдим этиш тартиби такомиллаштирилди. 2003 ва 2004 йиллардаги эволюция туфайли мамлакатда президентликка сайлов ўтказиш механизмлари мукамаллаштирилди. 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган «Сайлов тўғрисида қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»⁷ қонун сайлов жараёнининг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантирди. Ушбу қонун билан киритилган янгилекларнинг мазмун-моҳияти таҳлил этилди. Шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссиялари фаолиятининг ошқоралигини янада кучайтиришни таъминлашга йўналтирилган бир қатор янги тартиб-қоидалар жорий этилди.

⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда.

Диссертацияда сайлов қонунчилигини бузиш ҳолатлари ва тоифалари, улар учун жавобгарлик механизмларини такомиллаштириш масалалари таҳлил этилди. Сайловга оид қонунларимизга 2014 ва 2015 йилларда киритилган янгиликларга илмий баҳо берилди.

Тадқиқот ишида электоратнинг сиёсий онги ва фаоллигини ошириш, унинг маданий савиясини юксалтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Электорал ислохотлар борасида амалга оширилган тадбирлар мазмуни таҳлил этилди. Айтилишича, сиёсий партияларнинг ўз электоратини кенгайтириш, улар ишончи учун изчил курашиш, электоратнинг ҳуқуқий савияси ва маданиятини оширишга йўналтирилган фаолият самарасини ошириш муаммолари ўрганилди. Илмий ишда сиёсий партиялар мунтазам тарзда ўз маҳаллий партия гуруҳлари, фаоллари ва сайловга жалб этиладиган мутасаддилари билан ишлашлари, семинар-тренинглар ўтказиб боришлари, электоратнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш чораларини кўришлари мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинган.

Таҳлиллар асосида муаллиф қуйидаги хулосани баён этишни лозим топади: сайлов тизимида, шу жумладан, электоратни фаоллаштиришда амалга оширилган ислохотларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: а) сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун тенг шароитлар яратиш ва чинакам соғлом рақобат муҳитини таъминлаш; б) сайловчиларнинг манфаатини ифодаловчи субъект сифатида сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлаш; в) сайлов ташкилотчиларининг, аввало, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мустақиллигини таъминлаш; г) сайловга тайёргарлик ва уларни ўтказиш устидан ҳақиқий жамоатчилик назоратини таъминлаш; д) электорат кайфиятини ўрганиш, унинг фаол хулқ-атворини шакллантириш (моделлаштириш).

Диссертантнинг фикрича, электорал маданиятни юксалтириш учун унинг моҳияти, табиати, мазмунини чуқурроқ англаш кўмаклашувчи социологик ва ҳуқуқий тадқиқотларни фаоллаштириш зарур. Бунинг учун ғарб мамлакатларида тўпланган сиёсий фан ютуқларини, сайлов жараёни технологияларини, яратилган назарий-методологик базани мукамал ўрганиш ва таҳлил этиш лозим.

Масалан, тадқиқот давомида ўтказилган анкета сўрови натижалари гувоҳлик беришича, респондентларнинг 61,4 фоизи сайловчиларнинг электорал маданияти талаб даражасида деб ҳисоблайди; 36,1 фоизи сайловчилар маданияти даражасини ўртача, уни янада юксалтириш зарур, деб ҳисоблайди. 92 фоиз респондентлар эса, сайлов ўтказишнинг ташкилий жиҳатларидан рози.

Электорал маданиятни юксалтиришда сиёсий партияларнинг тарбиявий-тарғибот фаолиятини, фуқаролик жамияти институтларининг ва оммавий ахборот воситаларининг ахборот, тарғибот-ташвиқот ишларини, вазирликлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий тарғиботга йўналтирилган фаолиятини, Марказий сайлов комиссияси ва округ, участка

сайлов комиссияларининг сайлов қонунчилиги тарғиботига оид фаолиятини изчил фаоллаштириш ва ривожлантириш лозим. Шунингдек, сиёсий партиялар ўз фаолликларини нафақат сайловолди жараёнларида, балки бутун фаолияти давомида, айниқса, сайловдан сайловгача бўлган даврда мунтазам ошириш йўллари излаши лозим.

Сайлов комиссиялари сайлов жараёнини ташкил этиш ва ҳаракатлантиришнинг мутлоқ зарурий механизми сифатида майдонга чиқади. Марказий сайлов органларини шакллантириш борасида хорижий ва халқаро тажриба ҳам таҳлил этилган.

Диссертацияда сайлов жараёнида мамлакатимизда амал қиладиган округ ва участка комиссияларининг ҳуқуқий мақоми, уларни тузиш тартиби, ваколатлари, фаолияти хусусиятлари, иш шакллари ва усуллари атрофлича ёритилди. Уларнинг фаолиятидаги камчиликлар танқидий таҳлил этилди ва фаолиятларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган қонунчиликка киритиш тавсия қилинадиган таклифлар илгари сурилди.

Диссертациянинг **«Сайловга оид халқаро стандартлар ва миллий сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш истиқболлари»** деб номланган учинчи бобда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатчиликни қарор топтириш ва фуқаролик жамиятни шакллантириш жараёни адолатли сайлов қонунчилигини яратиш ва уни изчил такомиллаштириш билан узвий тарзда, босқичма-босқич амалга ошмоқда. Аниқ мақсадга йўналтирилган ислохотларнинг самараси ўлароқ, юртимизда умумбашарий демократик талабларга мос сайлов тизими ва халқаро стандартларга уйғун сайлов қонунчилиги шакллантирилди.

Диссертацияда сайловларнинг универсал халқаро стандартлари ва сайлов стандартлари борасидаги минтақавий ҳужжатлар атрофлича таҳлил этилди. Универсал стандартлар орасида БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланиб, уларнинг мазмуни ва мамлакатимиз қонунчилигига имплементация қилиниши жараёни ҳамда ҳолати кўрсатилди. Шунингдек, минтақавий ташкилотларнинг ҳужжатларига Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1990 йил 21 ноябрдаги Янги Европа учун Париж Хартияси (Ўзбекистон 1993 йил 27 ноябрда қўшилган), «Инсонийлик мезонлари бўйича Конференция», шунингдек, 1999 йил 19 ноябрда Истамбулда қабул қилинган Европа Хавфсизлиги Хартиясига эътибор қаратилди.

Мазкур бобнинг «Ўзбекистон сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» номли параграфида жамиятни модернизациялаш шароитида сайлов қонунчилигининг динамикаси, такомиллашиш тенденциялари ва унга киритилган янгиликларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинди.

Ишда сайлов жараёнидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид бир неча махсус қонунларнинг мавжуд бўлиши, амал қилиши уларни камраб олиш, билиш, ўзлаштириш ва фойдаланишда, сайлов жараёни

субъектлари томонидан ушбу қонунчиликни қўллашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқараётганлиги таъкидланади. Аслини олганда эса, ушбу сайловга оид еттига қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий тартибга солиш предмети битта – яъни, давлат ҳокимияти вакиллик органларига, президентликка бўладиган сайловларни тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш масаласидир. Аммо, шунга эътибор қаратиш лозимки, ушбу қонунларда кўплаб умумий жиҳатлар, бир тоифадаги масалалар, бир хил мазмундаги нормалар, айниқса, бир-бирини такрорловчи қатор қоидалар, принциплар ва моддалар мавжуд. Бундай ҳолат ушбу қонунлардан фойдаланишда ҳам баъзи қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу боис, мазкур қонунларни бирхиллаштириш, унификация қилиш талаб этилади. Бунинг учун мавжуд сайловга оид қонун ҳужжатларни умумлаштириш, такрорловчи нормативларни бартараф этиш, илмий асосда кодекслаштириш (тизимлаштириш) ўтказиб, ягона Сайлов кодексини яратиш лозим, деган хулосага келинди.

Амалиётда фойдаланиш қулай бўлишини таъминлаш учун Сайлов кодекси Умумий ва Махсус қисмлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқлиги асосланган. Кодекснинг Умумий қисми Ўзбекистон Республикасининг ягона сайлов комплекси ташкил этилишини қамраб олиши керак, яъни: сайлов ўтказишнинг умумий принциплари ва тизими; сайлов комиссияларини тузиш, уларнинг ваколати; сайлов жараёни субъектлари доираси, уларнинг ҳуқуқий мақоми; сайлов жараёнининг босқичлари ва бу босқичларда амалга ошириладиган асосий сайлов хатти-ҳаракатлари; фуқаролар ва улар ташкилотларининг сайлов ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари каби масалалар. Сайлов кодексининг Махсус қисмида президентликка ўтказиладиган сайлов, Олий Мажлисга, халқ депутатлигига вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайловлар жараёни хусусиятлари, шунингдек, Умумий қисмдаги қоидаларини амалга ошириш тартибларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Сайлов кодекси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: ички изчилликка ва мутаносибликка эга бўлиши; фойдаланиш учун қулай бўлиши; республика ва маҳаллий сайловларни мукамал тартибга солиши лозим. Бунда кодекслаштириш қоидаларига асосан бир-бирини такрорловчи нормалар истисно қилиниши, нормаларнинг мантиқий изчиллиги таъминланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг намунавий моделини яратиш долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал этишга уринишлардан бири сифатида Сайлов кодекси концепциясининг лойиҳаси таклиф этилмоқда (Диссертацияга илова қилинган).

Амалдаги сайлов қонунларини янада такомиллаштириш, улардаги нормаларни халқаро стандартларга янада мувофиқлаштириш – сайловчиларнинг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш орқали сайлов жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизимини ҳаётга жорий этишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган бир қатор амалий таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги умумназарий хулосалар, сайлов қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда сайлов ҳуқуқини қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир тавсиялар илгари сурилади.

І. Умумназарий хулосалар

1. Сайлов тизими қуйидаги ўзаро алоқадор элементлар йиғиндисидан таркиб топган: 1) сайлов ҳуқуқи ва сайлов қонунчилиги; 2) давлат ҳокимияти органлари (аввало, вакиллик органлари)ни, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш тартиби; 3) сайловларда қатнашиш шартлари ва принциплари; 4) сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби; 5) сайлов ва уни ўтказиш таомил ва принциплари; 6) овоз бериш тартиби ва натижаларини аниқлаш усуллари.

